




Innovative Academy  
Research Support Center



**ZAMONAVIY DUNYODA  
IJTIMOIY FANLAR:  
NAZARIY VA AMALIY IZLANISHLAR  
RESPUBLIKA ILMIIY-AMALIY  
KONFERENSIYASI**

zenodo



INTERNET  
ARCHIVE

OpenAIRE



**«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI  
QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY DUNYODA IJTIMOIIY FANLAR:  
NAZARIY VA AMALIY IZLANISHLAR» NOMLI  
№ 25-SONLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN  
KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI  
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ  
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

OpenAIRE



zenodo



## ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИН ТУШУНЧАЛАРИГА ДИАХРОНИК ВА СИНХРОНИК ЁНДАШУВ

Дилдора Холбоева

Тошкент тиббиёт академияси

Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси

инглиз тили ўқитувчиси

E-mail: [dildora.kholboeva1985@gmail.com](mailto:dildora.kholboeva1985@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7325562>

**Annotatsiya:** Мақолада терминнинг асосий хусусиятлари хақида фикр юритилади. Терминга қўйилиши лозим бўлган асосий талаблар яъни: тизимлилик, мотивацияланганлик, бир маънолилик, аниқлик, қисқалик кабилар батафсил ёритилган.

**Калит сузлар:** тизим, мотивацияланганлик, демотивация, факультатив.

Термин – доимий ўзгаришларга ва модификацияланишга мойил бўлган тилнинг динамик элементиدير. Демак, терминнинг тавсифлари ҳам ўзгаришларга мойил бўлиши мумкин, ва терминга имманент тарзда хос бўлган хусусиятларнинг унга қўйилдиган талабларга хос деб белгилаш унчалик мантиқий бўлмайди.

С. Лотте ҳар қандай терминга қўйилиши лозим бўлган асосий талабларни кўрсатди, яъни: тизимлилик, мотивацияланганлик, бир маънолилик, аниқлик, қисқалик. Кўпчилик тадқиқотчилар ушбу хусусиятларни терминнинг асосий хусусиятлари деб ҳисоблаганлар. (А.А. Реформатский, И.Н. Волкова, С.В. Гринев ва бошқалар). Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1) Тизимлилик. Терминлардан ҳар бири термин тизимининг ажралмас элементи бўлади, у доимо унинг бошқа элементлари билан узвий ўзаро алоқада бўлади. Ушбу хусусиятини кўпчилик тадқиқотчилар энг муҳим деб ҳисоблайди.

2) Мотивацияланганлиги, терминнинг семантик шаффофлиги, яъни унинг «том маъносини» яратувчи белгилари. Баъзи лингвистларнинг фикрича, термин доимо мотивацияланган бўлади: «Умумий қўлланадиган тилда мотивацияланмаган сўз, термин бўлганда, тилда мотивацияланганликка эга бўлади».

3) Термин мотивацияланмаган бўлиши мумкин, деган фикр терминларни мотивацияланганлиги даражасига кўра таснифлайдиган олимларнинг асарларида ҳам ўз тасдиғини топади:

1) Мотивацияланган, яъни семантик ва сўз ясовчи мотивацияланганлигига эга бўлган терминлар

2) ярим мотивацияланган (яъни мотивациянинг иккита туридан фақат биттаси асосида мотивацияланган);

3) мотивацияланмаган Тил бирлиги мотивацияловчи белгини йўқотиши унинг демотивациясига олиб келади, бу ҳолат эса ёки терминланувчи тушунчанинг табиатини акс эттирувчи белгиларни ажратиб кўрсатиш учун асос бўлган терминологик бирлик ва денотат орасидаги боғланиш заифлашганда ёки бирор сабабга кўра умуман йўқолганда, онгсиз тарзда юз беради, ёки термин ясалиши жараёнида онгли ва аниқ мақадга қаратилган ҳолда қўлланади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, терминнинг мотивацияланганлиги хусусиятини мажбурий эмас, факультатив деб ҳисоблаш лозим.

4) Бир маънолилик. Ушбу хусусият анчадан бери мутлақо тўғри тарзда кескин танқид қилинади. Аввал тадқиқотчилар, агар ушбу лексик шакли бошқа билим соҳаларида бошқа маъноларида қўлланадиган бўлса, бу унинг муайян билим соҳасидаги бир маънолилигига таъсир этмайди, деб таъкидлайдиган бўлди.

Ҳақиқатан, бугунги кунда айнан бир терминнинг ўзи турли тизимларда ҳар хил тушунчаларни ифодалайдиган жуда кўп мисолларни келтиришимиз мумкин (фонд – кутубхона ишида, информатикада, иқтисодиётда). Бугунги кунда кўп муаллифлар полисемия айнан бир термин тизимининг ўзида ҳам учраши мумкинлиги ҳақида гапирмоқда. Техника тилида бундай мисоллар айниқса кўп, бунда термин моддани ва жараённи, материални ва жараённи, ва шу кабиларни ифодалаши мумкин, масалан: смазка-мой(лаш) (модда ва жараён), проводка-сим (ўтказиш) (материал ва жараён). Шундай қилиб, терминнинг бир маънолилигини ҳам унинг мажбурий хусусияти сифатида қараш мумкин эмас.

5) Аниқлиги. Термин тушунча жиҳатидан, семантик қатъийлигига, ёки аниқлигига эга бўлиши лозим: «термин – маъноси қатъий белгиланган сўз». «Бевосита келишув даражаси каби маъносини аниқлаштириш юзасидан ишлов берилган сўзлар - терминлар» эканлиги таъкидланади. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай термин аниқликка интилиши лозим.

6) Қисқалик. Баъзи тадқиқотчилар ушбу хусусиятни ажратиб кўрсатади, чунки терминнинг ўта катта бўлиши унинг нутқда кенг қўлланишига тўсқинлик қилади, деб ҳисоблайди. Бошқалар терминнинг «қисқалиги» ва оптимал узунлиги ҳақида, яъни маълум термин тизимида (маълум табиий тилнинг замирида) терминлар ясалишининг реал шароитлари ҳисобга олинандиган узунлиги ҳақида фикр юритади Учинчи тоифаси аввалги нуқтаи назардаги фикрларни нотўғри деб ҳисоблайди:

«термин кундалик муомаладаги сўз эмас, ва ундаги аниқлик қисқалигидан муҳимроқ бўлади». Шу сабабли муаллиф терминдаги кўп сўзликни унинг нуқсони сифатида қарамайди. Бизнинг фикримизча, учинчи тоифа олимларнинг нуқтаи назари афзал кўринади, чунки агар тушунча яхши келишилган сўзлар гуруҳи билан ифодаланса, терминнинг тизимлилиги таъминланади.

Шундай қилиб, қисқалик - терминнинг мажбурий эмас, факультатив хусусиятидир.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Alieva M.T. Razvitiya industrii turizma // Mezhdunarodnye Plekhanovskie chteniya, April 19 REA. im.G.V. Plexanova. - M., 2006.
2. Ушаков Д.С. Технология выездного туризма. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2009. – С. 240.
3. Aliyeva M.T., Mirzayev M. va boshqalar. Turizm huquqi. O'quv qo'llanma. – T.: Talqin, 2003. – B. 245.
4. Алиева М.Т. Развития индустрии туризма // Международные Плехановские чтения, 19 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2006.
5. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане // Пятнадцатые международные Плехановские чтения, 27 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2002.
6. Grinev- Grinevich S.V. Terminovedenie. Uchebnoe posobie. - M.: Akademiya, 2008. - P.102-104.
7. [www.uzbekturizm.uz](http://www.uzbekturizm.uz).
8. [hppt://en.wikipedia.org](http://en.wikipedia.org).

TABLE OF CONTENTS | СОДЕРЖАНИЕ

SECTION 1. ARTICLES FROM CENTRAL ASIA

1.	<b>МАФКУРАВИЙ ТАЪСИРЛАР КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУАММОЛАРИ.</b> Бойкалонов Қобил Ғайбуллаевич	4
2.	<b>ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ГИДРОНИМ ВА ГИДРООЙКОНИМЛАРИ</b> Давурова Холида Ҳайдаровна	7
3.	<b>ШОЛИНИНГ “ТАРОНА” ВА “ИСКАНДАР” НАВЛАРИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ</b> Х.Р.Жураева, Ш.Ахмаджонова	15
4.	<b>ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУДДАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ</b> Кадирова Мохигул Хамитовна	19
5.	<b>KONSTITUTSIYAVIY ISLOHATLAR YOSHLAR NIGOHIDA</b> Jalolova Yulduz Muhiddin qizi, Amrullayeva Havasgul Amrulla qizi, Oxunova Sohiba G'ofur qizi, Ernazarov Sanjar Nurali o'g'li	22
6.	<b>O'RTA OSIYO KARTOGRAFIYASINING O'RGANILISH TARIXI</b> Amirqulova Feruza	26
7.	<b>TILAK JO'RA SHE'RLARI TAHLILI</b> <b>(“OLAM OSTONASI” SHE'RIY TO'PLAMI ASOSIDA)</b> Saida Rasulova	31
8.	<b>ИЛК ЎРТА АСР ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ИЛДИЗЛАРИ.</b> Хўжаев Даврон Нуриддинович	35
9.	<b>ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИ: ИФОДА ТУШУНЧАСИ, ЧЕГАРАСИ ВА ЎЛЧОВИ</b> Дилдора Холбоева	42
10.	<b>ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИН ТУШУНЧАЛАРИГА ДИАХРОНИК ВА СИНХРОНИК ЁНДАШУВ</b> Дилдора Холбоева	45
11.	<b>JANUBIY URALGA SAFARBAR ETILGAN “MEHNAT ARMIYACHILARI”NING ISHLAB CHIQRISHDAGI FAOLIYATI</b> X.Qurbonov, G.Mahmudova	48
12.	<b>HAMKORLIKDAGI TA'LIMNI TASHKIL ETISH ASOSLARI</b> Muradova Maftuna Komilovna	54
13.	<b>МАНМУДХО'JA ВЕНБУДИЙ YANG DAVR O'ZBEK MADANIYATINING ASOSCHISI</b> Panjiyev Jamshid Tohir o'g'li	58